

ТОШКЕНТ ҚЎЛЁЗМА ФОНДЛАРИДАГИ БАЛОҒАТ ИЛМИГА ДОИР ҚЎЛЁЗМАЛАР

Салимахон Рустамий Алийбек қизи

Ориентал университети

Филология фанлари доктори, профессор

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номли қўлёмалар институти ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номли адабиёт музейи қўлёмалар фондларида сақланаётган балоғат илмига доир “Мифтах ал-улум”, “Талхис ал-Мифтоҳ” ва “Шарх Талхис ал-Мифтах” асарлари нусхалари ҳақида қисқача маълумот берилган.

Калит сўзлар: балоғат илми, қўлёмалар нусха, котиб, қўлёмалар фонди, Саккокий, Қазвиний, Тафтазоний.

Ўрта аср ислом оламида араб тили сарф-наҳви, балоғат илми, умуман тил қоидаларига бағишлаб кўшлаб асарлар ёзилган. Улар орасида Абдулқохир Журжонийнинг (ваф.1078 ёки 1081 й.) “Асрор ал-балоғат” [3] ва “Далоил ал-ижоз” [4, 5], Маҳмуд Замахшарийнинг (1075-1144) “Асос ал-балоғат”, Абу Ёқуб Саккокийнинг (1160-1229) “Мифтах ал-улум” [6] асарлари шулар жумласидандир.

Араб балоғат илмига оид назариялар Абу Ёқуб Юсуф Саккокий Хоразмий ўзининг “Мифтах ал-улум” асарини яратгунга қадар тарқоқ ҳолда эди. Саккокий бу асарида ўзигача баён этилган наҳв, сарф ва балоғат илмларига оид маълумотларни қайта кўриб чиқди ва бобларни тартибга келтирди.

Бу ҳақда олимнинг ўзи шундай ёзади: “Мен ўз китобимга тилшунослик фанининг, луғатшуносликдан ташқари, зарур бўлган соҳаларини киритдим. Улар қуйидагилар: араб тили сарфи-наҳви ҳамда маъоний ва баён илмларидир. Маъоний ва баён ҳақидаги илмларни эгаллаш учун назм ва насрни таҳлил эта билиш кераклигини тушундим, айна вақтда, шоир аруз ва кофия илмларини билишга муҳтож эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Шу сабабдан мазкур масалаларни мукамал ёритишга жазм этдим” [1:178-179].

Абу Ёқуб Юсуф Саккокийнинг “Мифтах ал-улум”и унда балоғат илми таркиб жиҳатдан тўлдирилгани, таснифнинг чуқур илмий асосга эгаллиги билан олдингиларидан тубдан фарқ қилади ва бу илмнинг такомилга етганидан дарак беради.

Саккокийнинг бу асари ҳанузгача балоғат илмининг шоҳ асари бўлиб келмоқда, чунки ундан кейинги олимларнинг барчаси шу қоидаларга асосландилар.

Мазкур асарнинг балоғат илмига доир қисмига дамашқлик хатиб Жалолиддин Муҳаммад бин Муҳаммад Абдуррахмон Қазвиний томонидан (в.э. 739/1339) “Талхис ал-Мифтоҳ” асари ёзилган. Кейинроқ эса Масъуд бин Умар Тафтазоний (в. э. 792/1390) бу асарга шарҳ ёзган ва у “Шарҳ Талхис ал-Мифтах” деб номланади.

“Талхис ал-Мифтоҳ” Саккокийнинг “Мифтах ал-улум” асарига фойдаланиш учун қулай тарзда ёзилган қисқартмадир. Унинг асосий қисмида дастлаб “фасоҳат” ва “балоғат” тушунчалари изоҳланган. Жумладан, унда сўзловчи фасоҳати, каломдаги балоғат масалалари ёритилган, сўнгра балоғат илмининг асосини ташкил қилувчи “илм ал-маъоний”, “илм ал-байон” ва “илм ал-бадиъ” бўлимлар тартиб билан келтирилади. Бу учта катта бўлим “Ал-Фан ал-аввал” (“Биринчи санъат”), “Ал-фан ал-саний” (“Иккинчи санъат”) ва “Ал-фан ал-салис” (“Учинчи санъат”) сўзлари билан бошланган.

Бизнинг давримизгача “Мифтах ал-улум” қўлёзмаларининг кам нусхаси, лекин унга ёзилган “Талхис” ва “Шарҳ” қўлёзмаларининг кўпгина нусхалари етиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номли қўлёзмалар институти қошидаги қўлёзмалар фондида “Мифтоҳ ал-улум”нинг биттагина қўлёзмаси 7843/IV рақами остида сақланади [7:41].

Бу қўлёзма 1813 йилда Муҳаммад Ашур бин Қурбон Муҳаммадий Кулобий томонидан кўчирилган. Матн хунук настаълик хатида қора сиёҳ билан ёзилган. Қўлёзма 15X25 ўлчамда 163 варақдан иборат, асарнинг бошланиш қисми йўқолган.

Мазкур фондда “Талхис ал-Мифтоҳ”нинг 32 та қўлёзма нусхаси мавжуд. Улар настаълик хатида кўчирилган. Аксарияти тўлиқ эмас. Бу қўлёзмаларнинг кўпи XVIII аср охири – XIX асрга мансуб. Улар ичида котиблардан Нур Муҳаммад (1854 й.), Муҳаммад Осимхон, Шоҳ Ниёз бин Аваз Муҳаммад, Саййид Фозил Хожа, Абд ар-Раҳмон бин Холбой (1798 й.), Муҳаммад Собир бин Мулла Қурбон кўчирган қўлёзмалар бор.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номли адабиёт музейи қўлёзмалар фондида “Талхис”нинг 4 та қўлёзмаси сақланади [2:228]. Уларнинг учтаси насх, қолганлари настаълик хатида кўчирилган. Энг қадимий қўлёзма 719/1319 йилга мансуб бўлган, насх хатида ёзилган 402 рақам остида сақланувчи қўлёзмадир. Қолган қўлёзмалар XIX асрда

кўчирилган. Улардан бирида котиб Мулла Мирза Калон Мир Толиббой номи зикр қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номи қўлёзмалар институти қошидаги қўлёзмалар фондида “Шарх Талхис ал-Мифтах” қўлёзмалари эса 22 та бўлиб, улар XVI- XVII асрларда кўчирилган. Қўлёзмаларда номлари зикр қилинган котиблар: Ибн Муҳаммад Рафиъ Муҳаммад Рафиъ (1679), Муҳаммад бин Усмон (1568), Назар Муҳаммад Ҳайдар бин Мавлоно Мақсуд (1584), Ибодуллоҳ Жомий.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номи адабиёт музейи қўлёзмалар фондида “Шарх Талхис”нинг 2 та қўлёзмаси сақланади [2:229]. Уларнинг бири 985/1577 йилда, иккинчиси XVIII-XIX асрда кўчирилган. Иккинчисида котиб Ибодуллоҳ Муҳаммад Саъд бин Хожа Саъид Уратебойи номи келтирилган.

“Талхис” ва “Шарх”ларнинг кўплаб нусхада ёзилгани ўқув даргоҳларида баҳоғат илмининг ҳам араб наҳви ва сарфи каби кенг микёсда ўқитилганидан далолат беради.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ:

1. Зиёвуддинова М. (2005) Юсуф ас-Саккокий ва унинг “Мифтоҳ ал-улум” асари. Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. Тошкент. – Б. 177-181.
2. Каталог рукописей государственного музея литературы им. А.Наваи. (2006) Том I, Ташкент.
3. Jurjoniу, Abdu-l-qohir (2002). Asraru-l-balag’a. Bayrut-Lubnan.
4. Rustamiу, S.A. (2020). Content of components of the science «balāğat». *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*. Vol. 10, Issue 10. – P. 1332-1337.
5. Rustamiу, S.A. (2021) Role of medieval scientists in evolution of the science of balāğat. *Elementary Education Online*, 19(4). – P. 775-783.
6. Sakkokiy, Yusuf (2000). *Miftahu-l-ulum*. Bayrut.
7. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том XIII. Ташкент, 1954.